




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Марказий банкнинг асосий ставкасини кўриб чиқиш бўйича пресс брифинги

Ҳурматли
журналистлар, QR
кодни сканер қилиб
бошқарув
материалларини
юклаб олишингиз
мумкин



2025 йил 24 октябрь





Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

**Марказий банк асосий ставкасини
кўриб чиқиш бўйича пул-кредит
шароитлари таҳлили**

**Пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва
2027-2028 йиллар даврига мўлжалланган
асосий йўналишларининг концептуал
лойиҳаси**


**Матбуот анжумани
2025 йил 24 октябрь**




**Марказий банк асосий ставкаси
йиллик 14 фоиз даражасида
ўзгаришсиз қолдирилди**

Умумий инфляция даражаси сентябрь ойида пасайиб, йиллик **8** фоизни ташкил этди

(фоизда)




Базавий инфляция даражаси пасайишда давом этиб, сентябрда йиллик **7** фоизни ташкил этди.




Хизматлар базавий инфляция кўрсаткичлари юқори шаклланиши иқтисодиётда истеъмол талаби фаол шаклланаётганини намоён этмоқда

Асосий гуруҳлар нархларининг йиллик ўзгариши,
фоизда




Умумий инфляция декомпозицияси,
фоиз бандда




Январь-сентябрь ойларида умумий инфляцияси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан секинлашган товар ва хизматлар ИНИ саватининг **66** фоизини ташкил қилди


кумулятив



Аҳоли ва тадбиркорлар томонидан сезилган инфляция, инфляцион кутилмалар ва уларнинг омиллари



— Аҳолининг сезилган инфляцияси
— Тадбиркорларнинг сезилган инфляцияси




— Аҳоли кутилмалари
— Тадбиркорлар кутилмалари

АҲОЛИ	2024			2025								
	окт	ноя	дек	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	47	51	56	57	63	59	59	57	50	51	48	46
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	46	51	57	50	52	48	47	49	45	45	41	41
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	28	22	23	20	18	22	35	34	31	27
Транспорт харажатларининг ошиши	26	30	35	30	31	28	29	32	30	27	26	25
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	24	26	26	26	28	28	26	25	22	24	26	25
Валюта курсининг ўзгариши	51	51	55	46	41	39	38	37	27	30	24	22
Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	28	31	33	25	32	26	26	26	24	24	22	22


ТАДБИРКОРЛАР	2024			2025								
	окт	ноя	дек	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	42	49	52	54	58	52	55	54	47	47	45	44
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	42	48	49	49	50	45	46	48	43	42	40	41
Транспорт харажатларининг ошиши	29	32	34	32	34	31	31	37	32	31	31	30
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	30	29	25	26	22	23	23	24	33	34	33	29
Хомашё нархларининг қимматлашиши	25	25	25	25	27	25	27	28	25	25	24	26
Солиқ юкининг юқорилиги	23	25	27	24	27	26	27	27	25	26	24	24
Валюта курсининг ўзгариши	50	51	52	51	43	43	43	40	31	31	25	22

2025 йил январь-сентябрь ойларида иқтисодий ўсиш 7,6 фоизни ташкил этди

ЯИМ ва унинг компонентлари реал ўсиши,
кумулятив, фоизда




ЯИМ реал ўсиши декомпозицияси,
кумулятив, фоизда




Кредитлар динамикаси

Иқтисодиётга ажратилган
кредитлар, *трлн сўмда*




Иқтисодиётга ажратилган
кредитлар ўсиши, *фоизда*




- 2025 йил январь-сентябрда иқтисодиётга ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **41,4 фоизга** ошиб, **283 трлн сўмни** ташкил этди.
- 2025 йил 1 октябрь ҳолатига иқтисодиётга ажратилган жами кредит қўйилмалари қолдиғининг йиллик ўсиши **14,4 фоизни** ташкил этди ва **629 трлн сўмга** етди.

Депозитлар бўйича фоиз ставкалар

Депозитлар бўйича
номинал фоиз ставкалар, *фоизда*




Депозитлар бўйича
реал фоиз ставкалар, *фоизда*



- 2025 йил август ойида аҳолининг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкasi **21,4 фоизни**, юридик шахсларнинг депозитлари бўйича эса **17,7 фоизни** ташкил этди.
- Инфляцион кутилмаларни инобатга олганда депозитларнинг реал фоиз ставкалари аҳолида **8,2 фоизга** ва юридик шахсларда **5,3 фоизга** тенг бўлди.

Депозитлар қолдиғининг йиллик ўсиши


(фоизда)



- 1 октябрь ҳолатига банк тизимидаги жами депозитлар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **32 фоизга** ўсиб, **269 трлн.** сўмни ташкил этди.
- Миллий валютадаги жами депозитлар қолдиғи **23 фоизга** ошиб, **205 трлн** сўмни ташкил этди.

UZONIA бенчмарк ставкаси динамикаси


(фоизда)



- **UZONIA** бенчмарк фоиз ставкаси январь-сентябрь ойларида фоиз коридори доирасида шаклланди ва сентябрь ойида ўртача **13,5 фоизни** ташкил этди.

Йил бошидан сўм алмашув курси **6,5 фоизга** мустаҳкамланиб ўртача кунлик тебраниш даражаси **2 баробарга** ошди ...
(2021-2024 йилларда ўртача йиллик 5,4 фоизга қадрсизланган)

Сўм курсининг кунлик тебраниши




Депозитлар ва кредитларнинг **долларлашуви** даражаси пасайиш суръати тезлашди

Жамига нисбатан хорижий валютадаги депозитлар ва кредитларнинг ўлуши, фоизда




2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида экспорт тушумлари (олтинсиз) ҳажми **18 фоизга** ўсди

Экспорт тушумлари, млрд доллар



2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида мижозларнинг банкларга валюта сотуви **33 фоизга** ўсди

Юридик ва жисмоний шахсларнинг валюта сотуви, млрд доллар



Асосий савдо ҳамкорлар валюта курслари динамикаси

Россия рубли




Хитой юани



Қозоғистон тенгеси



Туркия лirasи



Ўзбекистон сўми

-6,5%

Туркия лirasи

18.7%

Қозоғистон тенгеси

4,6%


Россия рубли

-27%


Хитой юани

-2.5%

Реал самарали алмашув курси



— Реал самарали алмашув курси (REER index)
— Номинал самарали алмашув курси индекси (NEER index)



■ Миллий валюта курси
■ Савдо ҳамкорларининг валюта курси
■ Ички инфляция
■ Савдо ҳамкорларининг инфляцияси

- Жорий йилнинг сентябрь ойида сўмнинг реал самарали алмашув курси асосий ҳамкор давлатлар валюталари алмашув курсларининг юқориқ мустаҳкамланиши ҳисобига **йил бошига нисбатан 1,6 фоизга қадрсизланган** бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,2 фоизга мустаҳкамланди**.


Алмашув курсини инфляцион қутилмаларига таъсирини қайд этганлар улуши 2,3 баробарга камайди

Респондентлар улуши, жамига нисбатан фоизда

Омиллар	2024						2025					
	окт	ноя	дек	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	47	51	56	57	63	59	59	57	50	51	48	46
Ёқилги ва энергия нархининг қимматлашиши	46	51	57	50	52	48	47	49	45	45	41	41
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	28	22	23	20	18	22	35	34	31	27
Транспорт харажатларининг ошиши	26	30	35	30	31	28	29	32	30	27	26	25
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	24	26	26	26	28	28	26	25	22	24	26	25
Валюта курсининг ўзгариши	51	51	55	46	41	39	38	37	27	30	24	22
Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	28	31	33	25	32	26	26	26	24	24	22	22

Курс ўзгариши бўйича тебранувчанликни ошганлиги ҳисобига инфляцион қутилмаларни шаклланишида валюта алмашув курси ҳиссаси камайиб бормоқда

Миллий валютадаги депозитлар 23 фоизга ошиб 205 трлн сўмга етди




Жорий йилнинг 9 ойда жисмоний шахслар томонидан хорижий валюта таклифи ҳажми унга бўлган талаб ҳажмидан 6,7 млрд долларга ортиқ бўлди

(2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробар кўп)




2024 йилдаги экспорт ва импорт товарлари таркиби, фоизда (товарларнинг курс ўзгаришига таъсирчанлиги)



Пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва 2027-2028 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларининг концептуал лойиҳаси

Макроиқтисодий ривожланиш сценарийлари



Асосий сценарий шартлари

	Талабга таъсир этувчи шароитлар	Таклиф таъсир этувчи шароитлар
Ташқи шароитлар	- Глобал иқтисодий ўсиш суръатлари пандемиядан аввалги даврдаги ўртача кўрсаткичлардан паст даражада шаклланади; - Глобал инфляция пасаяувчи динамикани намоён этса-да, мамлакатлар ўз таргетларига эришиши кутилганидан узоқроқ вақт талаб этади; - Глобал ноаниқликлар шароитида олтинга бўлган талаб ошиб боради ва унинг нархлари юқори даражаларда шаклланишда давом этади; - Асосий савдо ҳамкорларда ўрта муддатли истиқболда инфляция пасаяувчи характерга эга бўлади ва пул-кредит шароитлари мос равишда юмшатиб борилади; - Асосий савдо ҳамкорларда иқтисодий фаоллик фискал рағбатлантиришлар ва пул-кредит шароитларининг юмшатилиши натижасида тезлашади.	- Жаҳон озиқ-овқат бозорларида нархлар мўтадил суръатларда ўсиб боради. - Валюта бозорларида кескин ўзгаришлар ва тебранишлар кузатилмайди.

Асосий сценарий шартлари

	Талабга таъсир этувчи шароитлар	Таклиф таъсир этувчи шароитлар
Ички шароитлар	• Истеъмол кредитлари ўсиши суръати маъбуллашади; • Хусусийлаштириш жараёнлари ва юқори иқтисодий фаоллик ҳисобига хусусий инвестициялар ошишда давом этади; • Умумий фискал тақчиллик ўрта муддатли истиқболда ЯИМга нисбатан 3 фоиз атрофида шаклланади ва контрциклик фискал сиёсати юритилади.	• Иқтисодиётдаги энергия манбаларига бўлган талаб юқориликча сақланиб қолади; • Келгуси йилларда энергия ресурслари нархи инфляция даражасида ошириб борилади; • Тартибга солинадиган нархлар (коммунал хизматлар, жамоат транспорти хизматлари, давлат таълим хизматлари ва бошқалар) инфляция даражасида ошириб борилади; • Иқлим ва об-ҳаво шароитларида кескин ўзгаришлар кутилмайди.

Ички иқтисодий прогнозлар

Кўрсаткичлар	2024 (факт)	2025 (кут-н)	Асосий сценарий прогнозлари		
			2026	2027	2028
Инфляция даражаси	9,8	8	7	5	5
ЯИМнинг реал ўсиши	6,5	7-7,5	5,5-6,5	6-7	6-7
Якуний истеъмол харажатлари	6,4	7-7,5	6-6,5	6-7	5,5-6,5
- уй хўжаликлари	7,5	7-8	6-7	5,5-6,5	5,5-6,5
- давлат бошқарув органлари	1,1	2-3	2-3	2-3	2-3
Умумий фискал баланс (ЯИМга нисбатан)	-3,3	-3	-3	-3	-3
Экспорт (олтинсиз)	16,5	16-20	8-10	8-12	8-12
Импорт	0,8	12-16	8-12	8-12	8-12
Пул ўтказмалари	30	16-20	6-10	8-12	8-12
Кредит қўйилмалари қолдиғи	14	14-16	12-14	11-13	10-12

Асосий сценарий шартларига кўра

Инфляция даражаси

2026 йилда инфляция **7 фоиз атрофида** шаклланиши прогноз қилинмоқда. 2027 йилнинг иккинчи ярмида инфляция **5 фоизлик** таргетгача пасаяди ва 2028 йилдан бошлаб таргет даражасида шаклланиши прогноз қилинмоқда.

Пул-кредит сиёсати чоралари

Пул-кредит шароитлари


Иқтисодиётда инфляцион босимларни инобатга олиб, 2025-2026 йиллар давомида пул-кредит шароитлари **нисбатан қатъий даражада** сақлаб қолинади ва инфляциянинг таргет даражасида шаклланиши бўйича барқарор асослар юзага келганда нейтрал фазага ўтилади.

Пул бозоридаги фоиз ставкалари

2025-2026 йилларда Uzonia ставкаси реал ҳисобда **5-6 фоизлик даражада**, 2027 йилдан **4-5 фоиз атрофида** бўлиши таъминланади.

	Талабга таъсир етувчи шароитлар	Таклифга таъсир етувчи шароитлар
Ташқи шоклар	Асосий савдо ҳамкорлар валюта курсларининг юқори даражада қадрсизланиши	Импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари жаҳон нархларининг сезиларли даражада ошиши
	Олтин нархининг кескин ошиши/пасайиши	
Ички шоклар	Фискал тақчилликнинг кенгайиши	Энергия таъминотидаги узилишлар
	Хусусийлаштириш жараёнларининг фаоллашиши	Иқлим ва об-ҳаво шароитларининг ёмонлашиши
	Молиявий оммабопликнинг қамрови кенгайиши ҳисобига истеъмол талабининг фаоллашиши	Тартибга солинадиган нархлар инфляция даражасидан юқори ошириб борилиши.

Макроиктисодий ривожланишдаги ташқи ва ички эҳтимолий шоклар таъсирида инфляция ва иқтисодий ўсишнинг асосий сценарийга нисбатан четлашиши



Пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш

Ликвидлик жалб этиш бўйича асосий операцияларни
секьюритизация қилиш

Бенчмарк ставкага боғланган ўзгарувчан фоиз ставкали
молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятини
кенгайтириш

Банк тизими ликвидлигини фавқулодда қўллаб-қувватлаш,
Марказий банкнинг “Гаров механизми”ни ишлаб чиқиш

Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш
салоҳиятини ривожлантириш

Пул-кредит сиёсати коммуникациясини такомиллаштириш



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

**Марказий банк асосий ставкасини
кўриб чиқиш бўйича пул-кредит
шароитлари таҳлили**

**Пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва
2027-2028 йиллар даврига мўлжалланган
асосий йўналишларининг концептуал
лойиҳаси**

**Матбуот анжумани
2025 йил 24 октябрь**

